O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 90 (9.434) 2000 йил 31 июль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ*

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 2000 йил 30 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 28 июль.

* * *

## Олий Мажлиснинг учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
3. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
4. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
5. «Судлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
6. «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
7. «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
8. «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
9. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
10. «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Шу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.





# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**28 июль куни Қаршида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотларининг вакиллари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари қатнашди.**

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Қашқадарё вилоятининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва салоҳиятига юксак баҳо берди. Республикамизнинг асосий нефть ва газ заҳиралари Қашқадарё ҳудудида жойлашган. Вилоят республикамизда қазиб олинадиган газнинг 88 фоизини, нефтнинг 92 фоизини етказиб беради. Дон ва пахта етиштиришда ҳам олдинги ўринлардан бирида туради.

Аммо кейинги йилларда вилоят халқ хўжалигининг барча соҳаларида қолоқлик, орқага кетиш ҳолатлари кўзга ташланяпти, деди Президент. Иқтисодий ислоҳотлар суст бормоқда. Бу йил ғалла тайёрлаш 59 фоизда қолиб кетди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, фермерлар, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмаяпти. Айниқса, қишлоқ хўжалигида ишни тўғри ташкил эта билмаслик оқибатида аҳолининг турмуш шароити яхши томонга ўзгармаяпти. Деҳқонлари бой юртгина обод бўлишини асло ёддан чиқармаслик лозим. Шундай катта имкониятларга эга вилоятда 27 фоиз аҳоли тоза ичимлик суви, 42 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Бутун мамлакатни газ билан таъминлайдиган воҳа газлаштириш бўйича вилоятлар ўртасида охирги ўринлардан бирида турибди.

Воҳада юз берган қолоқлик, ночор аҳволда, албатта, вилоят раҳбарларининг ишни тўғри ташкил этолмагани, кучи, қобилияти, савияси етмагани асосий сабабдир.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ш. Бегматов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири лавозимида ишлаб келаётган Б. Ҳамидовни Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқлади.

Сессияда сўзга чиққан Қарши Давлат университетининг ректори, Олий Мажлис депутати Н. Ҳакимов, Халқ демократик партияси вилоят Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов, Қамаши тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими ўринбосари Д. Холбоева, Китоб туманидаги «Китоб» агрофирмаси раҳбари З. Бурхонов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А. Орипов ва бошқалар Юртбошимиз нутқида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидладилар.

**Мусулмон НАМОЗОВ, Абдужалол ТАЙПАТОВ, ЎзА махсус мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА: вилоят кенгаши сессияси пайти. Муҳаммад Амин олган суратлар.**

# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига кўра Бахтиёр Ҳамидов Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинланди, у бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазири вазифасидан озод қилинди. Шуҳрат Бегматов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иқтидорли ёшларнинг чет элларда ўқишини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси грантининг 2000 йилги соҳибларига табрик йўллади. Шу муносабат билан ўтган шанба куни Тошкентда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.
- 28 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.
- Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди.
- Ўтган шанба куни мамлакатимиз банкирлари биринчи ярим йилликдаги ўз иш фаолиятлари якунини ва банк тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги вазифаларни муҳокама қилдилар.
- Андижон аэропортининг жамоаси Андижон — Екатеринбург ўртасида қатнайдиган авиайўналишни очиш борасидаги тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмоқда.
- «Ўзбекфильм» киностудиясида «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган «Алпомиш» фильмини яратиш устидаги ишлар ниҳоясига етди.
- Алоқачиларимиз ўзларининг янги журналларига эга бўлдилар. «Алоқа дунёси» журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

## ЖАҲОНДА

- **Кеча** ЮНЕСКО Бош директорининг Москвага амалий ташрифи бошланди. Бугун унинг Россия Президенти В. Путин билан учрашуви кутилмоқда.
- Буюк Британияда «Интернет» тармоғи орқали «Сиз Ўзбекистонни биласизми?» мавзуида викторина ўтказилди. У британияликларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётганининг яна бир ёрқин исботи бўлди.
- Москвада Россия — Грузия музокараларининг навбатдаги учинчи босқичи ўтказилди. Томонлар Грузия ҳудудида Россия қуроллари ва техникасини қисқартириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама этдилар.
- **Кеча** КХДР ва Жанубий Корея делегациялари сўнгги саккиз йил мобайнида биринчи марта вазирлар даражасидаги музокараларни ўтказдилар.
- **Кеча** Фаластин раҳбари Ё.Арофат Франциядан Саудия Арабистонига Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд билан музокаралар олиб бориш учун келди.
- **Бугун** Исроил парламентида истеъфога кетган Э. Вейцман ўрнига мамлакатнинг янги Президенти сайловлари бўлиб ўтади.
- **Бугун** Лондонда Ирландия ва Буюк Британия Бош вазирлари Шимолий Ирландиядаги вазиятни муҳокама этиш мақсадида учрашадилар.
- Сербиянинг ҳукмрон социалистик партиясининг бош қўмитаси Югославия Президенти С. Милошевич номзодини давлат раҳбарининг бўлажак сайловларида қатнашишга кўрсатди.
- Дубайда аёл таксичилар хизмати жорий этилди.
- Ўзбекистонлик машҳур теннисчи Ирода Тўлаганова Бельгияда ўтказилган мукофот жамғармаси 110 минг АҚШ доллари бўлган халқаро турнирнинг жуфтликлар баҳсида Италия теннисчиси Жулия Казони билан биргаликда зафар қучди.
- Испания шимолида жойлашган Гечо шаҳрида портлаткич моддалар тўлдирилган автомобиль портлаши оқибатида 4 киши жароҳат олди.

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ








*Изҳор*

## ИФТИХОР

**• Қудратилла МУҲАМЕДОВ, қурувчи, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:**

— Мен бунёдкор сифатида ўз меҳнатим билан Мустақилликни мустаҳкамлашга улуш қўшаётганимдан фахрланаман. Биз қураётган шарқона ва замонавий турар жой биноларида юртдошларимиз учун яратилаётган қулайликлардан, бахтли оилалар сафининг кенгаяётганидан хурсанд бўламан.

Жуда кўплаб турдаги қурилиш материалларининг ўз ватанимизда ишлаб чиқарилаётганлиги, уларнинг сифати, бунёдкорлик ишларида замонавий техникалардан унумли фойдаланилаётганлиги эркинлигимиз, кенг очилган имкониятларимиз нишонасидир. Меҳнатим озод ва обод юртим Президенти, халқим томонидан ўтган йилда юксак баҳоланганлигидан жуда ҳам мамнунман. Бундай бахт ҳамиша мени азиз юртимнинг, унда яшаётган юртдошларимнинг қадрига етишга ундайди. Меҳнатим фақат эзгуликка хизмат қилишини истайман.

**• Яйра ҲАКИМОВА, шифокор, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:**

— Келажагимиз бўлган фарзандларимиз саломатлигига, баркамоллигига, руҳан, маънан, жисмонан соғлигига фақат мустақиллик йилларидагина эътибор кучайди. Улар мамлакатимиз эртаси эканлигини мана шу йилларда янаям теранроқ англаб етдик.

Чиндан ҳам фарзандлари соғ-саломат, қўрқмас ва жасур бўлган юрт қудратли бўлади. Мустақил юртимиз фарзандлари ана шундай бўлиши келгуси соғлом авлодга, миллатимиз келажагига пухта замин бўлади. Мен ҳам шифокор, ҳам депутат сифатида юртдошларим саломатликларини тиклашга ўз ҳиссамни қўшсам дейман. Чиндан ҳам обод юртга соғлом эл ярашади. Президентимиз томонидан эълон қилинган Соғлом авлод йили эзгулик йили бўлиб, ҳамиша бундай ишлар давом этаверсин. Нафақат юртимиз ободлиги, халқимиз саломатлиги билан ҳам фахрланайлик.

**Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.**

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари, бош бошқарма, бошқарма, бирлашма раҳбарлари иштирок этишди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов олиб борди.**

Сессияда кун тартибидаги иккита асосий масала — Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва капитал қурилишни бошқариш тузилмасини қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 1998 йил 28 ноябрдаги 500-сонли ва 2000 йил 13 апрелдаги 144-сонли қарорларининг бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонининг ҳаётга тадбиқ этилиши бўйича маърузалар тингланди.

Биринчи масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев мазкур ҳукумат қарорларини бажариш борасида Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарорлари қабул қилинганлиги, капитал қурилишни бошқаришни такомиллаштириш ва ислоҳотларни амалга ошириш вазифалари юклатилган махсус комиссиялар тузилганлиги тўғрисида ахборот бериб, 500-сонли қарорга асосан тугатилган «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси, «Ўзагроқурилиш» ва «Ўзжамоақурилиш» бирлашмаларига қарашли 47 та ташкилот шаҳар қурилиш мажмуига ўтганлиги, аммо 1999 ва 2000 йилнинг олти ой кўрсаткичларига кўра уларнинг айримларининг фаолияти пудрат ишлари бозорида ўз ўрнини топа олмаганлигини, рақобатчиликка бардош бера олмаганлиги ва ўзини сақлаб қололмаганликлари сабабли тугатилганлиги, баъзилари эса иқтисодий ночор, норентабель корхона сифатида ёпилганлиги, улар орасида хусусий мустақил корхонага айланганлари ҳам борлигини таъкидлади.

Капитал қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 500-сонли қарорида асосий йўналишлардан бири «1999-2005 йилларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва молиялаштириш Дастури»ни ҳаётга тадбиқ этиш борасида 1999 йилда Тошкентда 11470 ўринли касб-ҳунар коллежлари ва 5005 ўринли академик лицейлар қурилиб ишга тушган. 2000-2001 ўқув йилида эса бу борада 5,5 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 11250 ўринли касб-ҳунар коллежларини топшириш мўлжалланган. Сессияда бу соҳада, яъни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини ривожлантиришда камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд қилиниб, ҳукумат қарорларининг бажарилишини тўлиқ таъминлашда ушбу камчиликлар ва тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш — бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиши ва бунда кескин чоралар кўрилиши аҳамиятлилиги айтиб ўтилди.

Мазкур маъруза юзасидан муҳокамаларда депутат Даликўзи Йўлдошев ва Жамолиддин Камолиддиновлар ўз жамоалари мисолида ахборот бердилар ва кўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Тошкент шаҳрида бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва бу борада Давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Эркин Эрназаров ўз маърузасида тўла ахборот берди. Пойтахтда соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли 44 та касалхона ва 115 та поликлиника мавжуд. Улар билан бир қаторда шаҳарда 292 та тиббиёт муассасалари нодавлат секторига қарашли, шу жумладан 11 таси — хўжалик ҳисобида, қолганлари — хусусий ва улар томонидан ярим йилликда 53 миллион сўмлик тиббий хизмат кўрсатилган. Маърузачи амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга қатор камчиликлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, аҳоли ўртасида олиб борилган сўровлар натижасида уларнинг кўпчилигининг тиббий ёрдамдан қониқмаётганлиги аниқланди ва ҳақиқатан ҳам баъзи тиббиёт муассасаларида аҳолига хизмат кўрсатиш етарли даражада эмаслиги таъкидланди.

Сессияда мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал этишда тиббиёт муассасаларини замонавий ускуналар билан таъминлаш, даволаш-профилактика муассасаларига кўпроқ мустақиллик бериш, нодавлат ва хусусий врачлик амалиётини ривожлантириш йўлида ислоҳотларни кучайтириш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилиши йўлида тиббиёт билим юртларини касб-ҳунар коллежларига айлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Мазкур маъруза бўйича ҳам депутатлар томонидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияларининг фаолияти тўғрисида маълумот тингланди.

Маълумки, Тошкент шаҳар Кенгашида еттита доимий комиссия фаолият кўрсатмоқда ва ярим йил давомида уларнинг ҳар бири бир неча йиғилишлар ўтказиб, долзарб масалалар бўйича кенг амалий ишларни бажарди. Бу ўринда ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича комиссиянинг фаолияти сессияда алоҳида айтиб ўтилди. Комиссия уч йўналишда иш олиб бориб, унинг аъзолари — депутатлар ёшларни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш ҳамда дастурнинг барча бандларини тўла татбиқ этиш борасида жойларда — мактаб, олий ўқув юртлари, иш жойларида кенг жамоа фикрини ўргандилар.

Ушбу комиссиянинг биринчи ярим йиллик фаолияти тўғрисида сессияда комиссия раиси, депутат Муқаддам Расулованинг ахбороти тингланиб, депутатлар томонидан маъқул деб топилди ва комиссиянинг қилган ишлари намуна сифатида татбиқ этилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сессияда Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли бош бошқарма, бошқарма, бирлашма, бўлинмалари тузилиб, уларнинг раҳбарлари тасдиқланди. Шу билан бирга сессияда шаҳар ҳокимлиги ҳузурида «Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссия»ни тузиш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар», «Бозорлар ҳудудида чакана савдо билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқлар ставкаларининг миқдори тўғрисида»ги ва яна бир неча қарорлари депутатлар томонидан тасдиқланди.

Сессияда ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ.**

*Анжуманлар*

## МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Кундалик ҳаётимизда, миллий истиқлол мафкурасини яратишда миллий-диний қадриятларимиз ҳам муҳим ўрин тутади. Бошқа буюк алломалар қатори ҳадис илмининг султони, мусулмон оламининг ифтихори бўлмиш буюк ватандошимиз Имом Бухорий қолдирган улкан меросни ўрганиш ва халқимизга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Шуниси эътиборга лойиқки, кейинги пайтларда Имом ал-Бухорий меросига берилаётган катта эътибор, хусусан ушбу буюк зот ҳоки пойида ёдгорлик мажмуасининг бунёд этилиши, тўрт жилдли саҳиҳ ҳадислар тўпламининг чоп этилиши ҳамюртларимиз билан бир қаторда бутун мусулмон оламини шод этмоқда.

Шаҳримиздаги Имом Бухорий халқаро жамғармасида ушбу жамғарма ташаббуси билан Имом Бухорий кунларига бағишланган «Миллий мафкура ва диний қадриятлар» мавзусидаги илмий-амалий анжуманнинг ўтказилиши ҳам шу жиҳатдан олганда муҳим аҳамият касб этди.

— Имом Бухорий даври — IX аср — мусулмон оламининг Уйғониш даврини бошлаб берган вақт ҳисобланади, — деди жумладан тарих фанлари доктори, профессор Аҳатжон Ҳасанов. — Хоразмий, Фарғоний, Термизийлар унинг замондоши экани, мусулмон дунёси бу даврда юксак тараққиётга эришгани, кейинчалик айнан шу ютуқлар Европа фани ва маданияти учун муҳим замин вазифасини ўтагани кўпчиликка маълум. Бинобарин, IX аср мусулмон маданиятисиз жаҳоннинг бугунги тараққиёт даражаси батамом бошқача тусда бўлиши мумкин эди.

Имом Бухорийнинг маънавий мероси — бу умуминсоний қадриятлар мажмуи, энг пок, энг нозик дидга жавоб берувчи ахлоқ меъёрларини ўзида мужассамлаган, бугунги кунимизда ватанпарварликка, фидойиликка, халқлар ўртасида дўстлик, тинчлик ва эзгуликка даъват этувчи нодир манбалардир. Алломанинг илмий меросини ўрганиш ёш авлодни тарбиялаш, унда миллий ғурурни шакллантириш ва адолатли жамият қуриш учун жуда катта аҳамиятга эга.

Анжуманда сўзга чиққан Тошкент Ислом университети проректори А. Мансуров, профессор А. Ҳожиаҳмедов, Тошкент давлат юридик институти доценти С. Ҳасанов, ЎзМУ доценти С. Холбоев, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари У. Уватов ва бошқалар Имом Бухорий меросининг бугунги маънавий ҳаётимиздаги ўрни, буюк муҳаддис ва ўзбек адабиёти тараққиёти, Ислом ва маърифатпарварлик мавзуларида тўхталиб, улуғ ватандошимиз ҳаёти ва илмий меросининг янги томонларини очиб беришга ҳаракат қилдилар, диний қадриятларимизнинг миллий мафкурамизни шакллантиришдаги ўрни тўғрисида ўз фикрларини баён этдилар.

Анжуман сўнгида иштирокчиларнинг маърузаларини китоб ҳолида чоп этишга келишиб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Имом Бухорий кунлари ўтказилиши муносабати билан Самарқанд ва Тошкентда ташкил этилган илмий-амалий анжуман эндиликда анъанавий бўлиб қолади. Келаси йили уни юқоридаги шаҳарлардан ташқари Андижон, Наманган, Бухоро, Хоразм ҳамда Имом Бухорий халқаро жамғармасининг дастлабки хорижий бўлими очилган Қоҳира шаҳрида ўтказиш кўзда тутилмоқда.

«Миллий мафкура ва диний қадриятлар» мавзусидаги анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Зуҳриддин Ҳусниддинов қатнашди ва сўзга чиқди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**





**Ёзги дам олиш мавсуми мароқли ўтмоқда.**




Тил-адабиёт муаллимаси олтинчи синф ўқувчиларига ёзма иш топширди. Мавзуни: «Одам учун энг катта бойлик нима? Бу бойликни қандай қўлга киритиш мумкин?» деб белгилади. Бу эркин иншо бўлиб, мақсад ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, китоб мутолаасидаги қобилиятларини синаш эди. Муаллиманинг: «Шу ишга бир ҳафта етадими?» деб берган саволига, баъзи болалар: «Ярим ҳафтаям етади, устоз!» дейишди. Муаллима топшириқнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, бир ҳафта муҳлат берди.

Муҳлатнинг охирига етганда фақат беш-олти болагина ишни битказиб келди. Муаллима бу ишларни тезда кўриб чиқдию кўнгли тўлмади. Ҳар сафар бирон ишни топширганда ҳаммадан олдин бажариб келадиган ўқувчилардан биттаси Юлдуз эди. Ҳа, Юлдуз чаққонлиги билан танилганди. Сўздаям, ишдаям. Муаллимлар унинг ҳозиржавоблиги, дадиллигини ёқтиришарди. Шу хислатидан фойдаланишарди ҳам. Мабодо дарсларда оғирроқ савол чиқиб, болалар қийналишганда, Юлдуз дарров қўл кўтариб, жавобни ўрнига қўярди. Бордию болалар ўртасида бирон англашилмовчилик юз бериб, тортишув қўзғалди дейлик. Юлдуз аралашардию, орани очиқ қиларди-қўярди. Унинг тўғрисўзлиги, дангалчилиги баъзиларга ёқмасаям, тан бермай иложлари йўқ эди. Юлдузнинг сўнгги ишдаги сусткашлиги муаллимани ҳайрон қолдирганди.

— Нега сен ишингни топширмаяпсан, Юлдуз қизим? — деб сўради.

Ҳамиша чеҳраси очиқ, ўзини бардам тутадиган бийрон қиз негадир хиёл хижолат тортгандай, чиройли кўзларини мўлтиратганича:

— Ишим битгани йўқ, устоз, — деб тўмтоқ жавоб қилди.

— Шунақами? Қани, ёзганларингни бир кўрсам бўладими?

Юлдуз тортинибгина сумкасидан қоғозларни олиб берди.

Муаллима икки саҳифа тўлатилган ёзувларга синчиклаб кўз югуртирдию қониқиш билан:

— Туппа тузук ёзибсан. Асосий фикрларни қоғозга туширгансан. Фақат нима етишмайди ўзингча?

— Хулоса! — деди ишонч билан Юлдуз.

— Хулосани ўйлаб кўрдингми?

Юлдуз ўйлаб кўрган бўлса-да, лекин яна битта китобга қараб олмоқчи бўлганини билдирди. Муаллима қанақа китоблигини сўраганди, Юлдуз «Маҳбубул қулуб» китобини айтди. Юлдуз ёзган иншоси билан буваси танишган экан, буваси шу китобни ҳам ўқиб чиқсанг бўларди деб маслаҳат берибди.

— Яхши маслаҳат, — деди муаллима. — Ўша китобда сен тилга олган мавзу устида қимматли фикрлар бор. Китобни қаердан оласан?

Бу китоб бувасининг уйидаги кутубхонасида бор экан-ку ҳозир қўлда экан. Бувисининг қўлида. Бувиси эса Самарқандга сафарга чиқибди. У ерда қурилган Имом Бухорий ёдгорлигини зиёрат қилгани қўшни хотинларга бош бўпти. «Йўлда шу китобни ўқиб кетаман», деб олиб кетибди.

— Бувинг қайтишлари билан ўша китобни ўқийсан-да, бу ёзганларингни тағинам пишиқлаб, бойитасан. Кейин менга топширасан, — деб уқтирди муаллима. Шу билан бирга устоз яна бир ишни тайинлади. — Синфдошларингдан баъзилари бу вазифани бажаришда қийналиб қолишибди. Шуларгаям озгина ёрдаминг тегса яхши бўларди-да. Хўпми?

Юлдуз бу кутилмаган топшириққа жавоб айтишдан иккиланиб қолди.

— Кимларга, устоз? — деб сўради Юлдуз.

— Қийналганлардан биттаси Дилдор ўртоғинг, — деди муаллима.

Бу сўзни эшитибоқ Юлдузнинг қовурғаси қайишиб кетди. Бунинг сабаби бор эди. Дилдор, тўғрироғи ўзи қўйиб олган оти билан айтилганда Диля билан Юлдуз ўртасидаги ўртоқликка путур етганди. Аввало бу икки қизнинг феъли бир-биридан фарқ қиларди.

Юлдуз қанчалик очиқ, содда муомалали бўлса, Диля шунчалик калондимоғ, катта оғиз эди. Ҳа деса ўз уйидаги алламбало қимматбаҳо асбоб-ускуналар, ранго-ранг асл кийим-кечаклар, тақинчоқлар билан чиранишни хуш кўрарди. Кунига янги, ола-була, ялтираб кўзни қамаштирадиган сарполарда безаниб келиб, қизларнинг кўзларини ўйнатгучи эди. Оддий кийимларда юрадиган қизларни, шулар қатори Юлдузниям назари илмасди. Бугинамас, ўқишда йўл қўйган хатоларини ҳеч бўйнига олгиси келмасди. Юлдуз бўлса бир-икки марта тўғрисўзлик қилиб унинг камчиликларини кўрсатдию балога қолди. «Сен ким бўпсанки, менга ақл ўргатасан, аввало ўзингни эвла!» деб нақ жеркиб уни камситмоқчи бўлди. Шу билан бирга яқинда у ўзининг туғилган кунини уйида катта зиёфат қилиб ўтказган, зиёфатга қизларни териб чақирганда яқин қўшниси бўлатуриб Юлдузни чақирмаган.

Юлдузда гина-кудурат, шикоят қилиб юриш одатлари йўқ. Шундай бўлса-да, Диляниг ғалати қилиқлари ўртага совуқчилик тушириб қўйганди. Бу ҳоллардан албатта муаллима бехабар. Унга бунақа майда хархашаларни етказиб ҳам бўлмайди. Аммо унинг топшириғига парвосиз қараш мумкинмас-да. Юлдуз қаттиқ ўйга толди. «Диляниг мени кўргани кўзи йўқ-ку, қандоқ қилиб унинг ишига аралашаман? «Мен билан ишинг бўлмасин, сенинг ёрдамингга зормасман!» деб силтаб солса-чи?» Унга рўпара келишга Юлдузнинг юраги бетламай юрганди. Тўсатдан кўчада учрашиб қолди. Юлдуз қўшнисининг бетига тик боқолмади. Унинг ола-байроқ нусха жемперига кўз ташлаганча таваккал қилиб гап бошлади:

— Иншони ёзиб бўлдингми?

Диля ҳам худди шуни кутиб турган эканми, димоғ-фироқ қилиб ўтирмади, ўзини зўракилик билан Юлдузга яқин олиб, деди:

— Биласанми, озгина ёздим-у, уёғини келиштиролмай турибман-да.

— Устоз сўраб қолсалар, нима дейсан?

— Сўрадилар. Уларгаям шунақа девдим. «Ундоқ бўлса ўртоқларингдан маслаҳат олгин» дедилар.

— Кимдан маслаҳат олмоқчисан? — деди Юлдуз ўсмоқчилаб.

— Қайдам энди... ўзинг... — дедию уёғини айтолмай, дами ичига тушди.

Диляниг чайналишидан Юлдузнинг миясига: «Балки устоз, ён қўшнинг билан маслаҳатлашгин деган бўлсалар-чи?» деган фикр келди. Диляниг сўзларида ва авзойида олдинги керилиш аломатлари пасайгандай эди.

— Бўлмасам-чи, ҳей, — деди Юлдуз ўзини мажбур қилиб, — ўша ёзган қоғозингни опчиқ!

Юлдузнинг уйида ўтириб, иншони ўқий бошлашди. Ёзувнинг бошини эшитибоқ, Юлдуз ўзини тутолмай ҳиринглаб юборди.

— Ҳа, нега куласан? — деб Диля ўқишдан тўхтади.

Юлдуз тўхтамай куларди. Кейин аранг ўзини босиб олди-да:

— Ўқи уёғиниям, — деди.

— Сен нима учун кулганингни айтасан, бўлмаса ўқимайман, — деди ноз қилиб Диля.

— Ўзинг устоз берган саволнинг биринчи қисмини эслагин: «Одам учун энг катта бойлик нима?» деб айтилганди-а? Сен унга «пул» деб жавоб берибсан. Албатта кулгили-да, бу жавобинг.

Диля елкасини қисган, қуюқ қошлари остидаги шаҳло кўзларини бақрайтирган, қип-қизил лўппи бетларини бужмайтирганча бақрайиб қолди. Юлдузнинг сўзларини ҳеч ҳазм қилолмаганди.

— Бўлмаса нима? — деди Диля зарда аралаш.

— Ўйлаб кўрадиган жойи шу ерда-да!

— Нимасини ўйлайди? Ахир пули кўп одам ҳамма нарсани... — дедию Диля у ёғини айтолмай турганди. Юлдузнинг тили қичиб келди:

— Сотиб олса бўлади, дегин? Шунақа демоқчисан-да, а? Унақа бўлса, демак пулга ақлниям, билимниям сотиб олса бўларкан-да, а?

*(Давоми 4-бетда).*

*Шарқ дурдоналари*

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

• Аҳмоқликнинг аломатлари уч нарсададир.

Биринчи, ўз манфаатини ўйлаб, ўзгаларга зарар келтиришда. Иккинчиси, хотинлар билан қўпол ва бадфеълларча ишқибозлик қилишда. Учинчиси, бевафолик, дўстлик қоидасига амал қилмаслик ва халқни менсимасликда.

• Бир неча жумлалар донолар китобида зикр қилинган бўлиб, ҳар ким тўрт ишни қилса, тўрт нарсани кутмоғи мумкин. Кимки, кўп ейишга ҳавасманд бўлса, беморликни кутмоғи мумкин. Кимки аёллар висолига ҳавасманд бўлса, расволикни кутмоғи мумкин. Кимки ақлсиз дўстларга ишонса, мол-мулки билан хайр-хўш қилмоғи мумкин. Кимки золим бўлиб, зулм қилса, ўлимни кутмоғи мумкин. Шубҳасиз, агар кимса ситамкорлик соғаридан бир қадаҳ ичаркан, балолар мастлигига мубтало бўлади.

• Икки нарса юз беришидан аввал яхшидир. Биринчи — ҳовуз ва чашма суви денгизга қўшилишдан аввал. У денгизга қўшилдими, демак, ундан озодалик ва покизалик кетади. Иккинчи, қариндош-уруғлар билан муроса ва дўстлар билан ўзаро муҳаббат орага фитна солувчилар ва чақимчилар тушмай туриб, яхшидир. Орага бу тоифа тушдими, демак, ўзаро дўстлик ва қариндошлик бузилиб, бир-бировига нисбатан ишонч қолмайди.

• Уч киши доимо ғам ва қайғуга асир бўлади. Биринчи, доимо умрини ёмонлик билан ўтказувчи киши. Иккинчи, қўлида амали бор вақтида яхшилик қилмаган киши. Учинчи, оқибатини ўйламай бир ишга қўл урган киши.

• Уч киши ўзини-ўзи ғамга ташлайди. Биринчи, жангда бепарволик қилиб, бунинг натижасида қаттиқ захм еган киши. Иккинчи, бирор ердан ҳаромхўрлик билан мол топган киши. Учинчи, ёш хотинга уйланган, унга қаттиқ дил боғлаган қари киши. Бундай хотин ўз эрининг тезроқ ўлишини кутади.

Яна, етти нарсадан фойда олиб бўлмайди. Биринчи, амал қилинмаган сўздан. Иккинчи, яхшиликка олиб бормайдиган молдан. Учинчи, тажрибасиз, хом дўстдан. Тўртинчи, кераксиз илмдан. Бешинчи, ниятсиз садақадан. Олтинчи, соғлиқсиз яшашдан.

• Яна етти кишини етти жойда синаш мумкин. Олимни сўзлаётганда ва баҳс юритаётганда. Ҳақиқий инсонни ғамли кунларда. Дўстни ҳожат тушганда. Деҳқонни зироат ишларида. Савдогарни ҳисоб-китоб вақтида. Улуғ кишиларни ғазаб пайтида. Мард кишини жанг майдонида.

Яна, билмоқ керакки, донолар ёзиб кетган насиҳат китобларида зикр қилинишича саккиз хил одамнинг суҳбатидан кечмоқ ва саккиз хил одамнинг суҳбатига яқинлашмоқ керак. Ўша суҳбатдан қўл ювмоқ лозим бўлган саккиз кишидан биринчиси, туз ҳақини билмайдиган ва тузлиғингга тупурадиган кишидир. Иккинчиси, бесабаб ғазабланадиган ва ғазабни боса олмайдиган киши. Учинчиси, узоқ умри билан мағрурланадиган ва ўзини оддий ахлоқ қонун-қоидаларидан озод деб ҳисоблаб, кўнглига ёқадиган ишларни қилаверадиган киши. Тўртинчиси, ҳар бир ишни макру ҳийла билан адо қиладиган ва бу йўлни тўғри деб тушунадиган киши. Бешинчиси, ёлғон ва хиёнатни шиор қилиб олиб ростлик ва виждонлиликни тан олмайдиган киши. Олтинчиси, нафс кўйига, ҳою-ҳавасни мақсад қибласи деб тушунадиган киши. Еттинчи, бешарм бўлиб, шўхлик ва беадаблик билан кун ўтказувчи киши. Саккизинчи, ҳеч қандай сабабсиз яхши одамлар ҳақида ёмон ўйлайдиган ва ҳеч қандай ҳужжатсиз илму дониш арбобларига туҳмат тошини отадиган киши.

Уларга яқинлашиб, суҳбатини ғанимат билиш лозим бўлган саккиз кишидан бири, яхшиликни биладиган, ҳақ-ҳуқуқни адо қиладиган кишидир. Иккинчиси, меҳру муҳаббати замонанинг ҳар қандай ҳодисалари остида ҳам ўзгармайдиган ва бузилмайдиган киши. Учинчиси, улуғ кишиларни тарбия қилган арбобларни иззат ва ҳурмат қилувчи киши. Тўртинчиси, фисқу фужурдан, ёлғондан, такаббурликдан парҳез қиладиган киши. Бешинчиси, ғазаб пайтида ўзини қўлга ола оладиган киши. Олтинчиси, саховат байроғини кўтариб, бечоралар ҳожатини чиқарадиган киши. Еттинчиси, шарму ҳаёни ўзига қурол қилиб олиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам, одоб чегарасидан ташқари чиқмайдиган одам. Саккизинчиси, олим ва доно кишилар билан дўстлик ўрнатиб, фисқу-фужур аҳлидан қочадиган киши. Ҳар ким юқорида зикр этилган тоифадан узоқлашиб, қуйида зикр этилган тоифага қўшилса, ёмон ахлоқ ва разил феъллардан қутилади.

Байт:

***Битта сўз басдир аҳли шуурга,***
***Йўқса, тутарсан сен чироқ кўрга!***

• Эй, бенаво киши, илм олишга ҳаракат қил! Илмсиз ва ҳунарсиз киши ўз диёрида ҳам, ўз қариндошлари олдида ҳам хор ва беэътибор бўлади. Илмли ва ҳунарли кишилар қайда бўлмасинлар, қаерга бормасинлар, иззат ва ҳурматда бўладилар. Авлод ва аждодингнинг ҳунар ва илмига мағрурланиб лоф урма, наслу насабингни пеш қилиб, яшашга интилма!

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**

*Саломатлик*

## ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБАСИ

**Биз ўз соғлиғимиз қадрини қачонки касал бўлсак ёки бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳат олсак англаб етамиз ва дарҳол шифокор ҳузурига чопамиз. Шифокорларнинг борлиги бизнинг бахтимиз. Ҳар қандай бемор ширин сўзга, ширин муомалага, дори-дармон, муолажа сингариларга муҳтож бўлади. Шундай шифокорлар борки, уларнинг бетоб кишига қилган муомаласининг ўзи ҳам шифо бўла олади.**

Таъмина Латипова ана шундай тили ширин, қўли енгил шифокор. У Тошкент шаҳридаги тез тиббий ёрдам клиник касалхонасида даво истаб келганлар дардига дармон бўлади. Бирини ака, бирини опа, деб уларни ширин муомаласи билан ҳам даволайди. 1981 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини муваффақиятли тугатган Таъмина Латипова тез тиббий ёрдам клиник шифохонасининг травматология бўлимига ишга кирди. Мана 18 йилдан буён опа тез тиббий ёрдам клиникасида 1-травматология бўлими мудираси вазифасини бажариб келмоқда. Йиллар баробарида шифокор опа бир қанча шогирдлар етиштирди, турмуш ўртоғи билан биргаликда икки нафар фарзанд тарбиялади. Катта қизи Гулмира — Тошкент молия институтининг 2-курс талабаси, Зилола — 8-синф ўқувчиси.

Ўтган 1999 йилда қўли енгил шифокор 650 та жарроҳлик муолажасини муваффақиятли ўтказди. Ундан барча беморлар миннатдор.

**Тамара НАЗАРОВА.**



Бурхон Ризоқулов олган сурат.

**СУРАТДА: шифокор Таъмина Латипова беморни кўздан кечирмоқда.**

